



Сарой Мулк хоним чигатой улусига мансуб мўгул хонларидан Козонхоннинг кизи бўлиб, 1341 йилда тугилган. Козонхон тахтдан азл этилиб, катл килинган чоғда Сарой Мулк хоним хали беш ёшда эди. Сарой Мулк хоним балогатга етгач, 1355 йилда Мовароуннахр хукмдори амир Козогоннинг набираси амир Хусайн уни никоҳига киритди.

1370 йилда соҳибкирон Амир Темур жангда амир Хусайнни енгиб, уни катл қилдиргач, Мовароуннахр хукмронлигини ўз қўлига олади. Табиийки, амир Хусайннинг бир неча хотинлари бўлиб, ҳарамнинг улуг бекаси — Тармаширинхоннинг кизи Суюнч Кутлуг Ого эди. Соҳибкирон Амир Темур мактулнинг ҳарамдаги маликалар орасидан Козонхоннинг кизи— Сарой Мулк хонимни, Баён Сулдузнинг кизи — Улус Оғони, Хизр Ясурийнинг кизи—Ислом Оғони ҳамда Тағой Туркон Хотунни танлаб олиб, идда муддати уч ой ўтгач, ўз никоҳига киритади.

Соҳибкирон Амир Темур Сарой Мулк хонимни ўз никоҳига киритгач, «кўрагон» унвонига мушарраф бўлди. Кўрагон ибораси мўгулча сўз бўлиб, «куёв» деган маънони ифодалайди. Зеро, Сарой Мулк хоним мўгул хонларидан бирининг кизи бўлгани туфайли соҳибкирон Амир Темур мўгул хонининг куёви, яъни «Амир Темур Кўрагон» номини олган эди.

Соҳибкирон Амир Темур малика Сарой Мулк хонимни ўз никоҳига киритгунга қадар, ҳарамда бошқа хотинлари ҳам бор эди. Лекин хон авлодига мансуб Сарой Мулк хоним ҳарамдаги барча маликалардан улугроғи ҳисобланиб, «катта хоним» ёхуд «Бибиҳоним» деган унвонга ноил бўлади. Албатта, бундай эъзозга мушарраф бўлиш учун ақл-заковат, дид-фаросат, фикрлаш доирасининг улканлиги бош омил бўлган. Зотан, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Сарой Мулк хоним замонасининг юксак идрокли, фаросатли, тадбиркор ва ақл-заковат соҳибаси, хусн-латофат бобида ҳам беназири эди. Сарой Мулк хоним инсонпарвар, ватанни севгувчи, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан яхшигина хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслахатлари билан катнашиб турган аёл эди. Айниқса, илм-маърифатга алоҳида эътибор ила қарар, толиби илмларга ҳомийлик қиларди.

Соҳибкирон Амир Темурнинг ҳарбий юришларида Сарой Мулк хоним кўпинча бирга юрган. Тарихий манбаларнинг яқдиллик билан берган маълумотларига кўра, ўта зийрак, тадбиркор Сарой Мулкхоним салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслахатлари билан фаол катнашган. Амир

Темур Сарой Мулк хонимга ошкора бўйсунмаса-да, биров унинг оқилона маслахатларига ўзида қандайдир эҳтиёж сезиб турган. Нақл қилишларича, Амир Темур Эронга қарши юриш бошлаганда, Исфохоннинг қамали қўпга қўзилиб, қўшинни озуқа билан таъминлашга маблаг етишмай қолади. Нихоят, Амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сарой Мулк хонимга мактуб жўнатади. Мактуб қисқа бўлиб, «Қўшиннинг захираси тугади, хазинадан зар юборинг», дейилганди. Сарой Мулк хоним мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, мактубнинг орқа томонига «Улуг амир, зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадиму?»—деб ёзади ва уни чопарга тутказади.

Амир Темур мактубни олгач, Сарой Мулк хонимнинг қиёяли замзамасини ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят бир қарорга қелади: лашкаргоҳда сўйиб ейилган қўй, қорамол, от ва туя суяқларини ўша қуниёқ йигдириб, турли хажмларда қирқтириб, қатта хажмдагисига қатта қиймат, қичигига қичик қиймат белгилаб, унга пўлат муҳрни қиздириб тамга бостиради ҳамда муваққат пул ўрнида муомалага қиритишга фармон беради. Натижада, қўшни шаҳар ва қишлоқларда суяк пулга қўшин учун озиқ-овқат сотиб олинади. Тез қунда Исфохон шаҳари таслим бўлгач, суяк пуллар зар билан алмаштирилади.

Амир Темур саройида жорий қилинган тартибга қўра, чет эллик элчиларни қабул қилиш маросимларида ҳукмдор ёнида хотилари ҳам иштирок этишган. Испания қироли Генрих III нинг Самарқанд ҳукмдори Амир Темур ҳузурига юборган элчиси Рюи Гонзалес де Клавихонинг ёзишича, 1404 йил 8-сентябр душанба куни Амир Темур Самарқанд четидаги «Дилқушо» боғида элчиларни қабул қилади. Қабул маросими қатта зиёфат ва тантана билан бошланган. Клавихонинг ҳикоя қилишича, қабул маросимида ҳукмдор Темурнинг ёнида Сарой Мулк ҳоким бошлик бошқа хотинлари ҳам юзларига парда ташлаб ўтирганлар. Испан қироли юборган ҳадялар орасида ҳукмдорга қўпроқ қизил мовут маъқул бўлган. Бу ҳақда у ўз хотинлари, аввало Сарой Мулк хоним билан фикрлашади. 1404 йил 17-октябр жума куни Сарой Мулк хоним ҳам қатта зиёфат беради. Зиёфатда бошқа элчилар қаторида испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ҳам қатнашади. Клавихо Темур боғларида берилган зиёфатларнинг тўқин-сочинлиги, боғлардаги ранг-баранг ипак қодирлар, ундаги олтин-қумуш жихозлару боғларнинг ўта дид ва фаросат билан жихозлангани ҳақида марок ила ҳикоя қилади.

Нақл қилишларича, Сарой Мулк хоним қунарлардан бир қун ўз жамғармаси ҳисобига, савоблик учун ҳудудийда бир мадраса бино қилдиришга эри Амир Темурдан ижозат сўрайди. Ҳукмдордан рухсат бўлгач, отаси Қозонхон томонидап совға қилинган бир жуфт олмос балдоғини сотувга қўйиб, бу маблағни мадраса қурилишига сарфлайди. Сарой Мулк хоним мадраса қурилиши жараёнида қурилиш майдонида тез-тез қелиб иш бошқарувчиларга фикрини айтади. Мадраса қурилиши ниҳоясига етаётганда ҳам Сарой Мулк хоним одати бўйича ўз қанизлари билан қурилиш майдонида қелиб, устабошига бинонинг қам-қўстлари ҳақида қўрсатмалар беради. Устабоши Сарой Мулк хонимнинг юзини қўрмаган бўлса-да, унинг жозибали сўз оҳангларида оқила ва ўтқир зехнли аёл эканлигига имони қомил бўлади. Малика қетгач, устабоши хоним билан бўлган бир нафаслик мулоқотдан олган таассуротини ичига қиздирилмай, ҳиссиёти қалаба қилиб, атрофидаги усталарга:

— Ёпирай, аёл зоти ҳам шунчалик доно ва оқила бўладиму?.. Хоним ҳақида шу қунара эшитган барча таъриф-таъсифларнинг ҳаммаси тўғри экан. Қани энди ҳамма аёллар ҳам шундай нафосатга эга бўлсайди, — деб қуқур уф тортади.

Устабошининг бегубор сўзлари тез орада қурилишдаги барча қорфармон, уста ва мардикорлар орасида тарқалади. Бир-икки қун ўтгач, миш-мишлар зўрайиб, «нима

дейсан, устабоши хонимга гойибона ошик бўлиб колган эмиш», деган сўзлар таркаб кетади. Табиийки, бу миш-мишлар Сарой Мулк хоним кулогига етиб боради. Устабоши ўзининг бемулохазалигидан ўкиниб, суяксиз тилнинг жарохатидан нолиб турган бир вақтда, Сарой Мулк хонимнинг хос канизларидан бири кўлидаги рўмолга ўралган лаганчани устабошига узатаркан:

— Хоним ушбу тухумларни сизга юбормишлар. Токи мазкур етти хил рангга бўялган етти дона тухумни тановул айлаб, аларнинг мазаси бир хилму ёхуд хар бирининг мазаси алохидаму, ушбуни фарклаб бергайсиз. Жавобини эртага киём пайтида эшитурмиз,— деб кайтиб кетади.

Устабоши рўмолни очиб, етти хил рангдаги тухумни ўз кўзи билан кўргач, хоним нимага шама килаётганини тушуниб, чукур изтиробга тушади.

Шу кунларда сохибкирон Амир Темур навбатдаги юришдан кайтиб келяётгани, бугун-эрта Самаркандга етиб келиши хакида овозалар таркалади. Устабошининг кўз-ўнги коронгулашиб, кўли ишга бормайди.

«Миш-мишлар бошимга бало бўлди, хадемай сохибкирон етиб келса, мени сог кўймайди, жазога мустахик килмоги мукаррардур. Начора, такдири азалда битилгон эрканда. Аммо чикмаган жондин умид, деганлар машойихлар, бу ердин кочмок чорасини изламок даркор. Дарвоке, кочиб хам каерга бораман. Пастга хам тушиб бўлмайдур, дархол тутуб зиндонга солурлар. Не килмок керак?» деб огир ўйга толади.

Устабоши ўйлаб-ўйлаб охири бир карорга келгач, шогирдини ёнига чакириб, уни ўз режасидан вокиф килади. У ўзига иккита канот боглаб, гумбаз устидан сакрайди. Канот ёрдамида шахар четидаги бир яйловга шўнгийди. Аммо кўнишга улгурмаёк боши ерга кадалиб, оламдан ўтади. Бу манзарани кузатиб турган шогирд «Эх, аттанг, устоз андак хатога йўл кўйибдурлар. Канот билан бирга, дум хам богламок лозим эрди»,— деб ўзига канот ва дум боглайди-да, гумбаздан ялангликка парвоз килади. Вокеан шогирд дум ёрдамида сихат-саломат ялангликка кўниб, кўздан гойиб бўлган. Шундан буён халк орасида «устасидан шогирди ўзган» деган макол колган дейишади.

Сарой Мулк хоним курдирган мадраса XIV аср охири ва XV аср бошларида Самарканддаги мадрасалар орасида улкан ва махобатлилиги жихатидан ажралиб турган. Мадрасага замонасининг етук мударрислари тайинланнб, улар толиби илмларга диний ва дунёвий илмлардан дарс берганлар. Сарой Мулк хоним мадраса толиби илмларининг ахволидан тез-тез хабар олиб, уларга хомийлик килиб туради. Ривоятларга кўра, Сарой Мулк хоним ўз одатича, кош корайгач, ўзининг якин канизлари билан кийимларинн ўзгартириб, мадраса томон йўл олади. Негаки, Сарой Мулк хоним мадраса толиби илмларининг ахволи рухияси, ким кандай тирикчилик ўтказаётганию тунда кандай иш билан машгул эканликларини зимдан текшириб турар эди. Бир кеча хоним мадрасага етиб келганда хужраларнинг деярлик барчасида чирок ўчган, толиби илмлар тун огушида уйкуга чўмган эдилар. Факат биргина хужрада шам ёниб, ичкаридан товуш эшитиларди. Сарой Мулк хоним канизларини мадраса ховлисида колдириб, ўзи охиста юриб, хужра эшиги ёнида ичкарига кулок солади. Толиби илмлардан бири иккинчисига дейди:

— Кани, айтингчи биродари азиз, хозир кўнглингиз нима истаябди?

— Э, биродар нима бўларди, кўй гўшти, кўй ёгида дамланган бир лаган серёг палов бўлса, билакка пахта боглаб, бир тўйиб ер эдик-да,— дея жавоб бергач, шеригидан сўради:—Хўш жўражон, ўзингизни кўнглингиз нима истаябди?

— Э, биродар, кўнглимда тамоман бошкacha орзу. Ушбу мадраса сохибаси Сарой Мулк

хоним дунёда тенгги йўк гўзал, деб эшитганмен. Канийди иложи бўлса, шу хоним билан бир кеча сухбатлашсам,— жавоб берди биринчи толиби илм.

Шеригидан бундай калтис сўзни эшитган жўраси: — Э, овозингизни ўчиринг, биродар, нима деяётганингизни биласизми, тагин бир фалокатни бошламанг,— деб унга дашном берди.

Сўз шу ерга етганда Сарой Мулк хоним хужра эшигидан узоклашиб, канизлари билан саройга кайтади.

Эртаси кун пешиндан оггач, надимлардан уч-тўрттасига мадрасага бориб, барча толиби илмларни саройга олиб келишларини буюрди. Толиби илмлар бу ногахоний таклифдан хаяжонда, надимлар куршовида саройга келадилар. Факат икки толиби илм бу таклифдан шубхаланар ва тундаги калтис орзунинг қурбони бўлиш дахшатидан калтирарди. Барча толиби илмларни катта меҳмонхонага киритиб, зиёфат берадилар. Зиёфат охирида кўй гўшти, кўй ёғида тайёрланган серёг палов тортилади. Шундан сўнг, меҳмонхонага канизлар куршовида, юзига парда тортган холда Сарой Мулк хоним кириб келади ва махсус ўриндикка ўтиргач, толиби илмлар орасидан тунги сухбатдошларни таниб ўз хузурига чорлайди:

— Хўш, мулла йигитлар, билакка пахта боглаб ейдиган палов бўлибдими?— дейди.

Халигача кўркувдан калтираб турган икки толиби илм дархол тиз чўкиб:

— Куллуқ хонойим, таърифдин зиёда палов бўлибдур, мадхига тил ожизлик киладур,— дея таъзим килибдилар.

Сарой Мулк хоним биринчи толиби илмга юзланаркан:

— Энди сизнинг орзуингизга келсак. Кўриб турганингиздек, мен соҳибкироннинг никохлааридамен, бинобарин сиз бирлан сухбат курмогим мумкин эмас. Биноан алайхи ўзимнинг гўзал канизларимдан бирини сизга никохлаб берурмен?

Розимудурсиз?—дейди.

Халигача тили калимага келмай, эс-хушини йўкотаёзган толиби илм, дархол ўзини хоним оёғига ташлаб:

— Узр, афв этсунлар хонойим, бу беадаб кулларининг гунохидан ўтсунлар,— деб илтижо килади.

Шу аснода Сарой Мулк хонимнинг ишораси билан меҳмонхонага кози ва имом кириб келади ва барча толиби илмлар гувоҳлигида канизларидан бирини толиби илмга никохлаб кўядилар...

Афсуски, Сарой Мулк хоним мадрасаси узок турмади. Ривоятларга кўра XVI аср охирида Бухоро амири Абдуллахоннинг теурийларга хусумати туфайли, махсус фармон билан мадрасани буздириб ташлади. Факат мадраса ёнига қурилган макбарагина сақланиб қолган. Макбаранинг олд томони ранг-баранг қошинлар билан безатилди. Макбаранинг ички қисмидаги безакларга яшил, кизил ва қора бўёқлар билан жило берилди.

Изораларга юлдуз шаклида қўқ нақшлар ишланиб, қошинли хошиялар билан ўралди.

Макбара дахмасига ташқаридан махсус эшик орқали қирилади. Дахма деворлари хилма-хил қошинлар билан безатилган бўлиб, дахма ичига тош тобут қўйилган.

Самарқандда машҳур Бибихоним масжиди жомеъси ҳам бор. Бу масжидни амир Темур Хиндистон юришидан қайтиб келгач, 1399—1404 йиллар мобайнида ўзининг улуг бекаси Сарой Мулк хонимга атаб қурдирган. Бинобарин, бу «Бибихоним» масжиди жомеъи номи билан машҳур бўлган. Масжиди жомеъ Ўрта Осиёдаги обидаларнинг энг йириги саналади. Унинг ҳовлисининг саҳни 63,8X76,0 метр бўлиб, атрофи равок ва пештоқлар билан ўралган. Масжиднинг умумий саҳни эса 167x109 метрдир.

Давр ўтиши мобайнпда Бибиҳоним масжиди зилзилалар таъсирида анча футурдан кетиб, вайронага айланди. Ҳозирги кунда Бибиҳоним масжиди бир-бири билан боғланмаган олти бўлакдан иборат бўлиб, ховлининг юкори қисмида меҳробли баланд пештоқли бино, пойгақда масжиднинг иккига ажралган пештоқи ҳамда шимоли-ғарб қисмида яққа холда сакланиб қолган минора. Ўз даврида мазкур бўлақлар уч қатор оқ мармар устунли, енгил равоқли пешайвонлар билан бир-бирига бирлаштирилиб, уларнинг устида 400 та гумбазчалар бўлган. Устунларнинг жами 480 та бўлиб, оралиғи — 3,5 метр, остқи қисми махсус тағқурсили, ўрта қисми ўйма нақшқор, юкори қисми ранғли қошинлар билан қубба шаклида ишланган. Ховли ўртасига мармар тошдан улкан лавҳ — Қуръон қўйиб ўқиладиган махсус қурси қўйилган. У авваллари асосий бино ичида бўлиб, 1875 йилда гумбазнинг қулаш ҳавфи туғилганда ховли ўртасига чиқариб қўйилди. Мазкур лавҳ Улугбек Мирзо қўрагоннинг фармони билан ясалган. Лавҳга «Султони аъзам, олий ҳимматли ҳокон, дин-диёнат ҳомийси, Ҳанафия мазҳабининг қосбони, аслқода султон ибн Султон амир ал-мўминин Улугбек қўрагон» деб ёзилган. Бибиҳоним масжидига қираверишдағи қатта пештоқнинг устқи қисми 1897 йилғи зилзилада қулаб тушган. Пештоқнинг ички қисмида қичиқроқ иккинчи равоқ ва унинг ўйма мармар хошияли дарвозаси ҳам бўлган. Дарвоза устига ўрнатилган лавҳада масжиднинг қурилган йили ва амир Темурнинг шақараси битилган. Масжиднинг «хафт жўш» — етти хил металл қотишмасидан ясалган қўш табақали дарвозаси бўлган. Бу дарвоза кейинчалиқ йўқолиб қетган.

Бибиҳоним масжиди айни даврда вайрона холда бўлса-да, серҳашам безақларнинг ўта нафислиғи қиши диққатини ўзига жалб этади. Ранг-баранг шакл ва нақшлар ўша давр усталарининг нозик дид ва юқсак маҳоратидан қололат бериб туради.

1405 йил 18 февралда соҳибқирон амир Темур Ўтрорда вафот қилғач, Самарқанд тахтига унинг набираси Ҳалил Султон Мирзо (1384—1411) ўтирди. Ибн Арабшоҳнинг берган маълумотиға қўра, Ҳалил Султон Мирзонинг хотини Шод Мулк бегим 1408 йилда Сарой Мулк хонимни заҳарлаб ўлдирган. Сарой Мулк хонимнинг жасадини ўзи қурдирган мадрасаси ёнидағи мақбараға «тош тобут»ға солиб, мўмиёланиб дафн қилинган. 1941 йил июн ойида Гўри Амир мақбарасида абадий уйқуга қетган амир Темур, Шохрўх Мирзо, Муҳаммад Султон Мирзо ва Улугбек Мирзоларнинг қабрлари очиб текширилади. Сарой Мулк хоним қабри ҳам очилиб, жасадни текшириш мақсадида Тошқентға олиб қелишган. Кейинчалиқ яна Самарқандға олиб қориб қўйилган. Соҳибқирон Амир Темур Сарой Мулк хонимдан фарзанд қўрмаган. Аммо соҳибқирон ўз ўғли Шохрўх Мирзони, суюқли иабиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Ҳалил Султон Мирзо,

Шу аснода Сарой Мулк хонимнинг ишораси билан меҳмонхонаға қози ва имом қириб қелади ва барча толиби илмлар гувоҳлиғида қанизларидан бирини толиби илмға никохлаб қўядилар...

Афсуски, Сарой Мулк хоним мадрасаси узок турмади. Ривоятларға қўра XVI аср охирида Бухоро амири Абдуллаҳоннинг теурийларға ҳусумати туфайли, махсус фармон билан мадрасани буздириб ташлади. Фақат мадраса ёниға қурилган мақбарағина сакланиб қолган. Мақбаранинг олд томони ранг-баранг қошинлар билан безатилди. Мақбаранинг ички қисмидағи безақларға яшил, қизил ва қора бўёқлар билан қило берилди.

Изораларға юлдуз шаклида қўқ нақшлар ишланиб, қошинли хошиялар билан ўралди. Мақбара даҳмасига ташқаридан махсус эшиқ орқали қирилади. Даҳма деворлари хилма-хил қошинлар билан безатилган бўлиб, даҳма ичига тош тобут қўйилган.

Самаркандда машхур Бибиҳоним масжиди жомеъси ҳам бор. Бу масжидни амир Темур Хиндистон юришидан қайтиб келгач, 1399—1404 йиллар мобайнида ўзининг улуг бекаси Сарой Мулк хонимга атаб қурдирган. Бинобарин, бу «Бибиҳоним» масжиди жомеъи номи билан машхур бўлган. Масжиди жомеъ Ўрта Осиёдаги обидаларнинг энг йириги саналади. Унинг ҳовлисининг сахни 63,8X76,0 метр бўлиб, атрофи равок ва пештоқлар билан ўралган. Масжиднинг умумий сахни эса 167x109 метрдир.

Давр ўтиши мобайнида Бибиҳоним масжиди зилзилалар таъсирида анча футурдан кетиб, вайронага айланди. Ҳозирги кунда Бибиҳоним масжиди бир-бири билан боғланмаган олти бўлакдан иборат бўлиб, ҳовлининг юкори қисмида меҳробли баланд пештоқли бино, пойгақда масжиднинг иккига ажралган пештоқи ҳамда шимоли-ғарб қисмида яққа холда сакланиб қолган минора. Ўз даврида мазкур бўлақлар уч қатор ок мармар устунли, енгил равоқли пешайвонлар билан бир-бирига бирлаштирилиб, уларнинг устида 400 та гумбазчалар бўлган. Устунларнинг жами 480 та бўлиб, оралиғи — 3,5 метр, остқи қисми махсус тақкурсила, ўрта қисми ўйма нақшқор, юкори қисми рангли қошинлар билан қубба шаклида ишланган. Ҳовли ўртасига мармар тошдан улкан лавҳ — Қуръон қўйиб ўқиладиган махсус қурси қўйилган. У авваллари асосий бино ичида бўлиб, 1875 йилда гумбазнинг қулаш ҳавфи тугилганда ҳовли ўртасига чиқариб қўйилди. Мазкур лавҳ Улугбек Мирзо қўрагоннинг фармони билан ясалган. Лавҳга «Султони аъзам, олий ҳимматли ҳокон, дин-диёнат ҳомийси, Ҳанафия мазҳабининг қосбони, аслзода султон ибн Султон амир ал-мўминин Улугбек қўрагон» деб ёзилган.

Бибиҳоним масжидига қираверишдаги қатта пештоқнинг устқи қисми 1897 йилги зилзилада қулаб тушган. Пештоқнинг ички қисмида қичқроқ иккинчи равок ва унинг ўйма мармар қошияли дарвозаси ҳам бўлган. Дарвоза устига ўрнатилган лавҳада масжиднинг қурилган йили ва амир Темурнинг шажараси битилган. Масжиднинг «ҳафт жўш» — етти қил металл қотишмасидан ясалган қўш табақали дарвозаси бўлган. Бу дарвоза кейинчалик йўқолиб қетган.

Бибиҳоним масжиди айни даврда вайрона холда бўлса-да, серҳашам безақларнинг ўта нафислиғи қиши диққатини ўзига жалб этади. Ранг-баранг шакл ва нақшлар ўша давр усталарининг нозик дида ва юқсақ маҳоратидан қалолат бериб туради.

1405 йил 18 февралда соҳибқирон амир Темур Ўтрорда вафот қилгач, Самарқанд тахтига унинг набираси Ҳалил Султон Мирзо (1384—1411) ўтирди. Ибн Арабшохнинг берган маълумотида қўра, Ҳалил Султон Мирзонинг хотини Шод Мулк бегим 1408 йилда Сарой Мулк хонимни заҳарлаб ўлдирган. Сарой Мулк хонимнинг жасадини ўзи қурдирган мадрасаси ёнидаги мақбарага «тош тобут»га солиб, мўмиёланиб дафн қилинган. 1941 йил июн ойида Гўри Амир мақбарасида абадий уйқуга қетган амир Темур, Шохрух Мирзо, Муҳаммад Султон Мирзо ва Улугбек Мирзоларнинг қабрлари очиб текширилади. Сарой Мулк хоним қабри ҳам очилиб, жасадни текшириш мақсадида Тошкентга олиб қелишган. Кейинчалик яна Самарқандга олиб қориб қўйилган.

Соҳибқирон Амир Темур Сарой Мулк хонимдан фарзанд қўрмаган. Аммо соҳибқирон ўз ўғли Шохрух Мирзони, суюқли набиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Ҳалил Султон Мирзо, Улугбек Мирзо ва бошқа мирзолари бевосита зукко Сарой Мулк хоним тарбиясига топишган эди.

